

# СҮХ ТУМАНИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ИШТИРОКИДА САБЗАВОТ ВА ГУЛ КҮЧАТЛАРИ ЕТИШТИРИШГА МҮЛЖАЛЛАНГАН ИННОВАЦИОН ИССИҚХОНАЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

Вилоят ҳокимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Иқболжон Эргашев бугун вилоят ҳокимлигига Грузиянинг “Mza Chitili” ва “WG Techno” компаниялари бош директори, туркиялик ишбилармон Эрхан Зорлу билан учрашди.

Мулоқот чоғида Сүх туманида янги лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга янги навдаги сабзавот ва гул кўчатлари етиштиришга мўлжалланган иссиқхоналар ташкил этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда вилоят ҳокими ўринбосари Иқболжон Эргашев Фарғона вилоятининг Грузия давлати билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳаларига тўхтади. Шунингдек, Сүх туманида қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлар бўйича салоҳияти ҳақида маълумотлар берди.

Эрхан Зорлу Сүх туманининг иқлимидан келиб чиқиб, у ердаги аҳолини ишга жалб қилган ҳолда иссиқхоналарда Европа бозорлари талабига мос сабзавот ва гул кўчатлари парваришлаш, уни дунё бозорларига экспорт қилиш ниятида эканлигини маълум қилди.

Бунинг учун инвестор томонидан сабзавот ва гул кўчатлари етказиб берилиши, лаборатория, мутахассислар жалб қилиниши, кўчатларни етилгунга қадар бўлган жараёнлар назорат қилиб борилишини билдириди. Махсус технологиялар жалб қилиниб, сув чиқариш ҳам инвестор томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, инвесторлар Сүх туманида форель балиғи етиштириш ва консерва ҳолатида экспорт қилиш лойиҳаси устида ҳам иш олиб борадилар.

Иқболжон Эргашев хорижий инвесторларга юртимизда яратилган солик имтиёzlари ҳақида ҳам тушунчалар бериб ўтди.

Бундан ташқари, лойиҳани кооперация усулида амалга ошириш учун тумандан 100 та хонадон рўйхати шакллантирилиши, ер майдони ажратилиши масаласи ҳам кўриб чиқилиши айтиб ўтилди.

Мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда икки томон қонун доирасида яқин кунларда янги лойиҳани амалга ошириш юзасидан ҳудуднинг ўзида келишувлар олиб боришади.

Йил якунига қадар Сүх туманида Грузия иштирокидаги қўшма корхона давлат рўйхатидан ўтказилади.

“WG Techno” компанияси Грузия бозорида 2010 йилдан бери фаолият юритиб келмоқда. Компания мижозларга қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган суғориш тизимларининг тўлиқ линиясини, шунингдек полиэтилен қувурларни, инфратузилма ва йўл қурилиши учун барча зарур технологияларни етказиб беради.

“Mza Chitili” эса юқори сифатли сабзавот ва гул уруғлари, кўчатлари ҳамда савбавотлар етиштириш, шунингдек Грузия фермерларига итальян технологиялари ва робототехника асосида пайвандланган сабзавот ва гул кўчатлари ҳам етказиб бериш билан шуғулланади.